

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАРДАГИ СОҲАЛАР
БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Носиров Рашод Адилевич

т.ф.д.профессор, Тошкент давлат транспорт университети

Аннотация

Мақолада Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг барча ижтимоий ва иқтисодий соҳаларида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ҳамда мамлакатимизнинг янги, очиқ ташқи сиёсати Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятидаги ижобий имижига ва обрўсини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Собик, совет тузуми, инқироз, буйруқбозлик, қайта қуриш, ошкоралик, тизим, ташқи ва ички сиёсат.

Ўзбекистон халқаро майдонда ўз нуфузини юксалтириш йўлидан бормоқда. Мамлакатимиз изчиллик билан ислохотларни амалга оширар экан, миллий рейтингимизни белгилаётган агентликлар уларни муносиб баҳоламоқда. Рейтинг (рейтинг – инглизча “rating” сўздан олинган бўлиб фаолият турининг нуфузини белгиловчи усул) турлича бўлиши мумкин, бизнес рейтинг, инвестициявий жозибадорлик рейтинг ва бошқалар. Ҳар қандай давлат рейтингларда иштирок этса ва у юқори ўринда бўлса, бу ушбу давлатнинг очиқлиги, шаффофлиги ҳамда иқтисодий салоҳиятини намоён этади. Шундан келиб чиқиб айтиш керакки, иқтисодий тараққиётни таъминлаш учун кенг қўламли ислохотлар олиб бораётган ва ривожланиш палласида бўлган давлатлар, албатта, рейтингларда муносиб ўринларни эгаллашга интилиши табиий. Негаки, мамлакат иқтисодиётининг ривож, хорижий этакчи бизнес корчалонлари билан ҳамкорликни янги босқичга кўтариш ҳамда инвесторлар эътиборини жалб этиш, уларнинг ишончини кафолатлаш учун солиштира рейтингларнинг юқори бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7-мартдаги “Халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашга оид чора-тадбирларни тизимлаштириш тўғрисида”ги ПФ – 5687 - **сонли** Фармони айтиш мақсадларни кўзлайди. Фармонга мувофиқ ҳозирда Ўзбекистонда турли соҳаларида жаҳон ҳамжамиятида рейтинг ва индекс кўрсаткичларини кўтаришга алоҳида эътибор қаратилди. Бугун Ўзбекистон очиқлик сиёсатини олиб бориши натижасида халқаро майдонда ўз обрў-эътиборини мустаҳкамлаб бормоқда. Бу, аввало, қўшни давлатлар ва нуфузли ташкилотлар билан ҳамкорлик фаолияти, шунингдек, давлат органларининг халқ манфаатларини тўла ифода этишига қаратилаётган эътиборнинг самарасидир. Сўнгги қисқа вақт мобайнида мамлакатимизда амалга оширилган инсон ҳуқуқларини таъминлаш, сўз эркинлиги, бизнес юриштида енгиллик ва имтиёзлар бериш, коррупцияни тугатиш борасидаги ислохотлар жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда. Натижада Ўзбекистон халқаро рейтингларда юқори ўринларга кўтарилиб, ўз ижобий имижини (имиж инглизча – “image”, латинча “imago” сўзларидан олинган бўлиб – сиймо, тимсол, кўриниш маъносини англатади) яхшилаб бормоқда ва бунга дунё мамлакатлари, халқаро ташкилотлар ва инвесторлар мамлакатимизга истиқболли ҳамкор сифатида муносабат билдирмоқда. Оддий айтганда, Ўзбекистон хорижий

аренада ишончли ҳамкор қиёфасида намоён бўляпти. Лекин, ишонч билан айтиш керакки, мамлакатимиз бундан юқори кўрсаткичларни қайд этишга қодир.

Маълумотларга кўра, давлатлар мавқеини белгилаб берадиган 100 дан ортиқ халқаро рейтинг ва индекслар бор. Минг афсуски, баъзи бир рейтингларда умуман ўринга эга эмасмиз ёки қуйи поғоналардан ўрин олганмиз. Бунинг сабаби, бир томондан, бу борада фаолият олиб боровчи давлат органининг йўқлиги, иккинчи томондан, айрим раҳбарлар рейтинглар билан ишлашга этарлича эътибор қаратмаётганлиги ва халқаро ташкилотлар томонидан ўтказилаётган сўровларда аксарият ислохотлар ўз аксини топмаётганлиги оқибатида устувор халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикаси қуйи поғоналарда қолмоқда. Бу ҳол, келгусида мазкур масалага жиддий ёндошув лозим эканлигини англатади. Аслида ўша рейтингда бизнинг реал ҳолатимиз юқори ўринни эгаллашга муносиб бўлиши мумкин. Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг барча ижтимоий ва иқтисодий соҳаларида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ҳамда мамлакатимизнинг янги, очиқ ташқи сиёсати Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятидаги ижобий имижига ва обрўсини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда десак, муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон изчил ривожланаётган, демократик, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари ва тамойилларига содиқ, тинчлик, инсонпарварлик, маърифатпарварлик, бағрикенглик ҳамда давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик ғояларини фаол тарғиб қилувчи давлат сифатида дунёда кенг эътироф этилмоқда. Ўзбекистонга турли мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан эътибор ортиб бормоқда, хорижий шерикларнинг Ўзбекистон Республикаси билан барча соҳаларда ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган интилиши кучаймоқда. Хорижий самоядорлар, ишбилармонлар ва туристлар томонидан Ўзбекистонга бўлган қизиқиш сезиларли даражада ошмоқда.

Халқаро майдонда Ўзбекистоннинг ижобий имижини самарали мустаҳкамлаш ва бу жараённинг барқарорлигини таъминлаш учун қатор чора ва тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, давлат ва жамоатчилик даражасида Ўзбекистоннинг халқаро имижини шакллантириш ва тарғиб қилишнинг яхлит тизимини яратиш муҳим аҳамият касб этади. Бу соҳада энг долзарб визиғалардан бири - мамлакатнинг бетакрор имиж хусусиятларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўлиб, булар қаторига бой маданий, тарихий, маънавий ва интеллектуал мерослар, кўп асрлик давлатчилик, минтақанинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси эътирофи, самимий даражадаги миллатлараро ва динлараро бағрикенглик, ижтимоий тотувлик, бой табиий ресурслар, ривожланган транспорт ва коммуникация инфратузилмалари, мафкуравий дунёқарашлардан қатъий назар тенг ҳуқуқли ҳамкорликка тайёрлиги кабилардир.

Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ижобий эътироф этилишини янада яхшилаш ва Ўзбекистоннинг салмоқли имиж салоҳиятидан устувор иқтисодий, ижтимоий, инвестициявий, илмий, маърифий, маданий ва бошқа вазифаларни амалга оширишда самаралироқ даражада фойдаланиш борасида давлат муассасалари фаолиятини жадаллаштиришнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Ушбу йўналишдаги фаолият давлат ва жамоатчилик тузиламалари ва институтларининг яқиндан ҳамкорлиги ва мувофиқлаштирилиши орқали мунтазам равишда олиб борилиши лозим.

Тан олиш керак, Ўзбекистон бир қатор муҳим халқаро рейтинг ва индексларда кейинги ўринларни эгаллаб келаётган эди. Хусусан, Жаҳон Банкнинг йиллик “Бизнес қилиш” рейтингда Ўзбекистон 74-ўринда қайд этилган. Коррупция бўйича ҳар йили тузиладиган Халқаро Транспаренси индексида 2018 йилда 180 давлат ичидан 158-ўринни эгаллаган. Шунингдек, сиёсий ва диний эркинликлар, ҳамда матбуот эркинлиги ва қонун устуворлигини баҳолайдиган Фреedom Хоусе ташкилотининг охириги рейтингда Ўзбекистон “Эркин эмас” дея таъриф берилган давлатлар қаторига киритилган. Жаҳон банкнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Хидеки Морининг таъкидлашича рейтингларнинг фикрлаш озукаси – бу рақамлардир. Турли халқаро рейтинг агентликларининг баҳолаш услуби турлича. Аммо шу ўринда айтиш лозимки, барча рейтинг агентликларининг хулосалари ҳам аниқ эмас. Унинг таъкидлашича, жаҳонда саноқли халқаро рейтинг агентликлари тўғри рейтинг юритади. Булар Гарвард, Моодйъс, Фитч ва Стандарт & Пооръс каби агентликлардир.

Халқаро рейтинг агентликлари ўз таҳлилларида 2016 йилда ҳокимиятга Шавкат Мирзиёев келиши билан келгусида иқтисодиётнинг ўсишини таъминлаш учун қатор иқтисодий ва институтсионал ислохотлар бошланганини қайд этмоқда. Президент раҳбарлигида Инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кафолатлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, иқтисодий фаолиятда эркинликни таъминлаш, суд-ҳуқуқ соҳаларини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ислохотлар мамлакатимизнинг халқаро рейтинг ва индекслардаги кўрсаткичлари ошишига сабаб бўлмоқда. Халқаро агентликлар вакиллари Ўзбекистон кейинги 3 йил ичида турли йўналишларда рейтинг поғоналаридан кўтарила бошлаганини қайд этмоқдалар, хусусан, сўнгги тўрт йил мобайнида мамлакатимиз Мерос жамғармасининг «Иқтисодий эркинлик» индексида 52 поғонага, Жаҳон банкнинг «Логистика самарадорлиги» индексида 19 поғонага, «Бизнес юритиш» индексида 18 поғонага кўтарилди, дунёдаги нуфузли нашрлардан бири - "Экономист" журнали Ўзбекистонни 2019 йилда ислохотларни энг жадал амалга оширган давлат - "Йил мамлакати" деб эътироф этди. Халқаро валюта жамғармаси ва халқаро рейтинг агентлари таҳлилларига кўра, пандемия синовларига қарамасдан, 2021 йилда Ўзбекистон дунёнинг саноқли давлатлари қаторида ижобий ўсиш суръатларини сақлаб қолади, Жаҳон банкнинг прогнозларига кўра Ўзбекистон жорий йилда (2020 йил) Европа ва Марказий Осиёда иқтисодиёти ўсадиган ягона давлат бўлади, Осиё тараққиёт банкнинг таҳлилларига кўра 2021 йилда мамлакатимиз иқтисодиётида жадал ўсиш бўлади, Бизнесни бошқариш халқаро институти (Франция), Корнел университети (АҚШ) ва Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти томонидан Инновациялар глобал индексининг 2020 йилги ҳисобатида Ўзбекистон 2015 йилга нисбатан ўз ўрнини 29 поғонага яхшилаб, 131 та мамлакат орасида 93-ўринни, Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари орасида эса 4-ўринни эгаллади, Ўзбекистон “Очиқ маълумотлар кузатиш” халқаро индексида 125 поғона кўтарилиб, 44-ўринни эгаллади. Бунда давлат ва жамоат бошқарув соҳасидаги 20 та йўналиш бўйича кўрсаткичларни ошқор қилиб бориш амалиёти жорий этилгани муҳим аҳамият касб этди. “Иқтисодий эркинлик” рейтингда ҳам мамлакатимизнинг 26 поғона кўтарилгани ислохотларимизнинг халқаро майдондаги яна бир эътирофи бўлди.

Жаҳонда кечаётган мураккаб геосиёсий жараёнлар, коронавирус пандемияси ва глобал иқтисодий инқироз шароитида Ўзбекистон очиқ ва прагматик ташқи сиёсатни фаол олиб бормоқда. Халқаро майдондаги қатъий саъй-ҳаракатларимиз натижасида юртимизнинг нуфузи ва обрў-эътибори тобора юксалмоқда. Мамлакатимиз тарихда биринчи марта Бирлашган

Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо этиб сайланди. Яқинда АҚШ давлат департаменти томонидан Ўзбекистон диний эркинлик соҳасидаги “махсус кузатувдаги давлатлар” рўйхатидан чиқарилгани ҳам кенг кўламли демократик ислохотларимизнинг эътирофидир.

REFERENCES

1. Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд, Т., “Ўзбекистон”, 2018
2. Шавкат Мирзиёев. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд, Т., “Ўзбекистон”, 2018.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Т., “Адолат”, 2017.
4. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. Т., “Гофур Ғулом”, 2017
5. R Nosirov, G Mamajanova. International Ratings and Index Indicators of the Republic of Uzbekistan// European Multidisciplinary Journal of Modern Science, 2022
6. РА Носиров, МИ Рахимова, СВ Темирова. Жамиятда ижтимоий онгнинг ўзгариши-ижтимоий муносабатлар тахлили. // - инновации в педагогике и психологии, 2022.
7. N.R Nosirov. The strategic value of education for the development of science and training of promising personnel potential, 2022
8. R.A Nosirov . Educational Problems in the History of Central Asia// Innovative technologica: methodical research journal, 2021
9. N.R Nosirov . Structural and functional approaches to the development of the social sector: Reform and prospects// European Journal of Molecular and
10. Nosirov, R. O., & Temirova, S. V. (2022). XALQIMIZ SALOMATLIGINI MUSTAHKAMLASH DAVLATIMIZ SIYOSATINING USTUVOR YO 'NALISHI. Academic research in educational sciences, 3(TSTU Conference 2), 242-248.
11. Adilovich, Nosirov Rashod. "THE STRATEGIC VALUE OF EDUCATION FOR THE DEVELOPMENT OF SCIENCE AND TRAINING OF PROMISING PERSONNEL POTENTIAL." (2022): 183-186.
12. Nosirov R. THE PLACE AND ROLE OF THE MASTER AMIR TEMUR IN WORLD HISTORY //Uzbek Scholar Journal. – 2022. – Т. 9. – С. 203-205.
13. Умарова, Р. Ш. (2019). Бытие и философские взгляды Абу Райхана Беруни. *Достижения науки и образования*, (3 (44)), 32-33.
14. Умарова, Р. Ш. (2019). Основы духовно-нравственного воспитания молодежи в трудах Абу Райхана Беруни. *Проблемы науки*, (4 (40)), 56-57.
15. Умарова, Р. Ш. (2020). Натурфилософия Абу Райхана Бируни. *Вестник науки и образования*, (4-1 (82)), 35-37.
16. Umarova, R. S. (2019). Fundamentals of spiritual and moral education of youth in the works of Abu Rayhan Beruni. *Problems of science*, no. 4 (40).
17. Ziyayev K.Z., Ismailova Sh.B., Method of determination of transport intensity in urban conditions, *European multidisciplinary journal of modern science* (2022), volume 5
18. Mukhitdinov A., Ziyaev K., Method for evaluating the energy efficiency of regulated driving cycles, *European science review*(2016), volume 9-10

19. Mukhitdinov A., Ziyaev K., Analiz rejima raboti dvigatelya legkovogo avtomobilya v gorodskix usloviyax dvizheniya, Evolyusiya sovremennoy nauki (2016),
20. Ziyaev K., Сравнительная характеристика методов оценки стандартизованного ездового цикла, Universum: технические науки(2020)
21. Ziyaev K., Методика сравнительной оценки легковых автомобилей в городских условиях с применением информационных технологий, ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ. ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА (2017)
22. Nosirov, R., & Mamajanova, G. (2022). International Ratings and Index Indicators of the Republic of Uzbekistan. European Multidisciplinary Journal of Modern Science, 4, 86-88.
23. Носиров, Рашод Адилевич, Машхура Иномжановна Рахимова, and Светлана Владимировна Темирова. "Жамиятда ижтимоий онгнинг ўзгариши-ижтимоий муносабатлар тахлили." инновации в педагогике и психологии 5.3 (2022).
24. Nosirov Rashod, and Yuldashev Bakhtiyar Ergashevich. "Structural and functional approaches to the development of the social sector: Reform and prospects." European Journal of Molecular and Clinical Medicine 8.1 (2021): 1388-1396.